

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ
ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 3-сон, 117-модда)

«Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг [Қонунига](#) мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаво транспортини бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон фуқаро авиацияси бошқармаси, фуқаро авиациясининг 243-заводи, «Авиастрой» қурилиш-монтаж бирлашмасига қарашли «Авиаспецмонтажналадка» хўжалик ҳисобидаги участкаси негизида Ўзбекистон Миллий авиакомпанияси — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ташкил қилинсин.

2. Ўзбекистон Миллий авиакомпанияси — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Ўзбекистон фуқаро авиацияси бошқармасининг ҳуқуқий вориси деб ҳисоблансин ва у Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаво транспорти соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва амалга оширишни таъминлайдиган фуқаро авиацияси масалалари билан шуғулланувчи давлат бошқаруви органи қилиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур Фармонни рўйбга чиқаришнинг ташкилий чора-тадбирларини кўзда тутувчи [қарорни](#) бир ҳафта муддат ичида қабул қилиб, авиакомпаниянинг тузилмаси ва Низомини тасдиқлаши зарур.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
1992 йил 28 январь,
ПФ-326-сон